

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.GM.40.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

МИРКАМАЛОВ РУСТАМ ХАМЗАЕВИЧ

**ҒАРБИЙ ТЯН-ШАН (ЎЗБЕКИСТОН) ЮРА ДАВРИГАЧА ҲОСИЛ
БЎЛГАН МАЖМУАЛАРИНИНГ ГЕОДИНАМИК ЭВОЛЮЦИЯСИ
ВА МИНЕРАГЕНИК РАЙОНЛАШТИРИШ**

04.00.01 – Умумий ва минтақавий геология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/GM11 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Минерал ресурслар институти бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбекча, русча ва инглиз тилида-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Пирназаров Мажид Маҳкамович
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Тойчиев Ходжиакбар Абдурасулович
геология-минералогия фанлари доктори

Долгополов Феликс Геннадьевич
геология-минералогия фанлари доктори

Бискэ Георгий Сергеевич
геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

«Уранкамёбметгеология» ДУК

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49. Факс (99871) 140-08-12. E-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» Давлат корхонаси кутубхонасида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ахунджанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

Қ.Р.Мингбоев

Илмий даражалар берувчи
кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

Х.А.Акбаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўплаб давлатларида кончилик саноати тармоқлари учун қазиб олиниши осон бўлган конларнинг тугаётгани, кундан-кунга захираларнинг сезирарли ўсишини таъминлаш, ёпиқ майдонлардаги фойдали қазилма конларни излаб топиш ва ўзлаштириш заруриятини тақозо этади. Шу туфайли конларни бурмали фундамент тоғ жинслари чуқур горизонтларида излашнинг янги йўналишларини назарий пойдеворини яратиш ва уларни илмий асослаш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда ёпиқ майдонларда фойдали қазилмаларни башоратлашда уларнинг геодинамик тараққиёти ва геологик структурасини минерагеник зоналигини таҳлил қилиш устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу борада, жумладан, бурмали камар ва фаол минтақавий чегараларни ретроспектив геодинамик реконструкция қилиш, уларни минерагеник районлаштириш схемасини ишлаб чиқиш, минерал хомашё конларининг жойлашиш хусусиятларини аниқлаш ва минерагеник потенциалини баҳолаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу муаммоларни муваффақиятли ечими башоратлаш тузилмаларини ишончилигини ошириш ва саноат аҳамиятига молик фойдали қазилма ётқазиклари намоён бўлган майдонларни илмий асослашда қулай имкониятлар яратади.

Мамлакатимизда ёпиқ майдонларда ноанъанавий конларни излаб топиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда, жумладан, Қизилқум худуди чуқур горизонтларида маъдан конларини аниқлаш бўйича маълум ютуқларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясида¹ «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Фарбий Тянь-Шандаги юра давригача ҳосил бўлган фойдали қазилма конларини жойлашув хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси тизимида ягона геологик хизматни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 1 мартдаги ПП-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси фаолиятини тубдан мукамаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» Фармойиши

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VIII – «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашъёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Бурмали фундамент металлогеник потенциали ва унда конларни жойлашув хусусиятларига йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳон илмий марказлари ва етакчи таълим муассасаларида, жумладан: Natural History Museum (Лондон, Буюк Британия) хузуридаги Centre for Russian and Central EuroAsian Mineral Studies (CERCAMS), Tokyo Institute of Technology (Япония), Institute of Geology (IG, Хитой), Санкт-Петербург давлат университети (СПбДУ, Россия), Centre for Tectonics, Resources and Exploration, Department of Earth Sciences of the University of Adelaide (Австралия), Institut für Geowissenschaften Technische Universität Bergakademie Freiberg (Германия) ва Минерал ресурслар институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Бурмали камарлар ва улар билан боғлиқ фойдали қазилмаларни тараққиётини таҳлили ва геодинамик районлаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: Тянь-Шан бўғими магматик мажмуалари ёши аниқланган (CERCAMS, Буюк Британия); фаол чеккалардаги геологик тузилиш ва минерагениянинг ўзаро алоқадорлиги исботланган (Geodynamics Research Center, Ehime University, Япония); Тянь-Шан тоғлари шарқий қисми маҳсулдорлиги аниқланган (Chinese Academy of Geological Sciences, Хитой); термо-тектоник тараққиётни тавсифловчи фаол фазалари аниқланган (Resources and Exploration, Department of Earth Sciences of the University of Adelaide, Австралия); Марказий Осиё бурмали камарлари палеозой ҳосилаларининг илмий асосланган структуравий схемаси ишлаб чиқилган (СПбДУ, Россия); фойдали қазилмалар ҳосил бўлишини субдукцион-гидротермал модели яратилган (Минерал ресурслар институти, Ўзбекистон).

Дунёда бугунги кунда геодинамика ва бурмали вилоятлар минерагенияси йўналиши бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: йирик тектоник структураларни геодинамик районлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш; бурмали камарлар геодинамик тарққиётини ретроспектив моделларини тузиш ва уларни структуравий қайта шаклланишининг асосий босқичларини аниқлаш; провинция ва структуравий-моддий мажмуаларни маъдан ҳосил бўлиш босқичма-босқичлигига таянувчи минерагеник ихтисосини аниқлаш; шаклланиш ва жойлашув шароитлари асосида конларни геодинамик турларга ажратиш.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.Elsevier.com/locate/Inca>; <http://www.ngbenigpas.ac.cn.Nanjing Institute of Geology .CAS>; <http://www.Suoban.iggcas.as.cn>; <http://www.yggeo@nursat/kaz>; <http://www.ingeo.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX асрнинг 30-йилларида олиб борилган режали геологик тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёнинг 1:500000 миқёсли геологик харитаси тузилди. Шу давр тектоник йўналиши Д.В.Наливкин, В.А.Николаев ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

Ўтган асрнинг 40-60 – йилларидаги ўрта миқёсли геологик хариталаш ишлари натижасида кенг бўлмаган структуравий-формацион зоналарни ажратиш имконияти яратилди (Н.М.Синицын, А.М.Обут, В.И.Попов, К.К.Пятков, А.К.Бухарин ва б.).

Ўтган асрнинг 70-йилларида литосфера плиталарининг янги «мобилистик» назарияси ривожлана бошланиб, у плиталар туташган ерлари тепасидаги минтақаларнинг тузилиши ва бурмали камарларининг ривожланишини вулкон-плутоник камарлар ҳосил бўлиши билан тушунтирган (Г.С.Поршняков, Г.С.Бискэ³, В.С.Буртман⁴, С.С.Шульц (кич.), Ш.Ш.Сабдюшев, В.Н. Пучков, К.С.Иванов П.А.Мухин⁵, Ю.С.Савчук ва б.).

Ўзбекистонда металлогения йўналишининг асосчиси Ҳ.М.Абдуллаев ҳисобланади. Ер қобиғининг чуқурликдаги тузилишини ўрганиш ва маъдан-формацион таҳлил қилиш бўйича Е.М.Бутовская, И.Х.Хамробоев⁶, В.П.Федорчук, Б.А.Исаходжаев, М.М.Пирназаров ва бошқалар иш олиб боришган. Литосфера плиталари тектоникаси назарияси янги металлогеник ва башоратлаш қурилмаларини ривожлантиришга туртки берган (И.М.Голованов, Ф.А.Усманов, Г.Е.Завьялов, А.А.Землянов, А.А.Кустарникова, М.М.Мансуров, Р.Ахунджанов, С.М.Колоскова ва б.).

Мобилистик ғоялар таъсири остида «микст-генетик» гипотеза ривожланмоқда. Унга кўра рифтоген режим чўкинди қатламларидаги органик материалларни жадал қайта ишланиши ҳамда Ер қобиғи куйи қисмида углеводородлар синтези учун қулай шароит яратишга хизмат қилади (Ғ.С. Абдуллаев⁷).

Ҳозирги геодинамик реконструкциялар бўйича энг илғор ишланмалар замонавий фаол чеккаларни ўрганиш ва уларни қадимий камарлар билан таққослашга асосланадиган муфассал геологик ва изотоп тадқиқот усулларининг мақбул нисбатига таянади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Минерал ресурслар институти» Давлат корхонаси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Нурота тоғ-маъдан районини олтин маъданлашувга истиқболли вазиятларни аниқлаш мақсадида мезозой ва кайнозой ҳосилаларини ғилофини олиб ташланган ҳолатдаги 1:200000 миқёсли схематик геодинамик харитасини тузиш» (2000-2003), «Ўзбекистон маъданли конлари атласи (нашрга тайёрлаш)» (2006-2010), «Башоратлаш-минерагеник қурилма ва минерал ресурслар мониторинги асоси сифатида ГИС-

³ Бискэ Ю.С. Палеозойская структура и история Южного Тянь-Шаня. - Санкт-Петербург: СПбГУ, 1996. 192 с

⁴ Буртман В.С. Геология и механика шарьяжей. - Москва: Недра, 1973. 103 с.

⁵ Мухин П.А., Каримов Х.К., Савчук Ю.С. Палеозойская геодинамика Кызылкумов. - Ташкент: Фан, 1991. 148 с.

⁶ Хамрабаев И.Х. Магматизм и постмагматические процессы в Западном Узбекистане. - Ташкент, 1958. 479 с.

⁷ Абдуллаев Г.С., Долгополов Ф.Г. Геодинамика и нефтегазоносность литосферы Узбекистана. Ташкент: "Уз НИО НГП", 2016. 362 с.

технологиялар қўлланган ҳолда Ўзбекистон мезазойгача ҳосил бўлган мажмуаларини 1:500000 миқёсли геодинамик харитасини тузиш» (2006-2011), «Ўзбекистон маъданли конлари атласи» (2006-2011), «Ғарбий Ўзбекистон қадимий қатламларини маъданлилигини ўрганиш» (2008-2012) ва «Ўзбекистон Республикаси геологик хариталари атласи» (2011-2015) илмий-амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ғарбий Тянь-Шан (Ўзбекистон) юра давригача ҳосил бўлган мажмуаларидаги минерагеник потенциални баҳолаш ҳамда конлар жойлашув хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Қизилқум-Нурота региони тоғ-баландликлари бўйича геологик-структуравий, тектоник ва геодинамик ўрта, республикани барча ҳудудлари учун эса, майда миқёсли хариталарни тузиш;

геологик тузилишнинг асосий хусусиятларини аниқлаш ва геодинамик тараққиётини юрагача ҳосил бўлган структуравий-моддий мажмуаларни геология, тектоника, изотоп геохронологияси ва петрогеокимёси янги материаллари синтези асосида таҳлилини амалга ошириш;

чўкинди-метаморфик ва магматик ҳосилаларни ҳамда айрим маъдан намоёнлари ва конларни геодинамик ва минерагеник турлаш;

бурмали фундамент структураси тараққиётини палинспастик реконструкциясини, фойдали қазилмалар ҳосил бўлиши асосий босқичларини аниқлаш ҳамда конлар моделларини тузиш ёрдамида таҳлилини ўтказиш;

фойдали қазилма конлари жойлашувини назорат қилувчи структураларнинг геодинамик хусусиятларини аниқлаш, геологик-хариталаш ва дастлабки ихтисослашган излаш ишларини амалга ошириш учун қулай майдонларни чегаралаш;

дунёнинг етакчи минерагеник провинциялари геодинамик шароитларини Тянь-Шан камари палеошароитлари билан таққослаш асосида бурмали фундаментни фойдали қазилмаларга истиқболини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Тянь-Шан бурмали камарининг Ўзбекистондаги қисми ва Турон эпипалеозой платформаси юра давригача ҳосил бўлган структуравий-моддий мажмуалари, Ўзбекистон конлари ва истиқболли майдонлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети юра давригача ҳосил бўлган бурмали фундаментнинг шаклланиши ва геодинамик тараққиёти, фойдали қазилма конларининг жойлашув хусусиятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Юра давригача ҳосил бўлган бурмали мажмуа ер юзига чиққан қисмлари геологик тузилиши бўйича комплекс маълумотларни геодинамик таҳлил қилиш, геологик тузилиш тараққиёти геологик моделини яратиш ҳамда конлар учун истиқболли бўлган геологик-структуравий вазиятларни ажратиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудининг юра давригача ҳосил бўлган бурмали фундаментини геодинамик районлаштириш схемаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг мезозой эрасигача шаклланган бурмали фундаментини геодинамик тараққиёти модели, структуравий қайта жойлашув ва маъдан ҳосил бўлишининг олтига муҳим даврлари (R_{2-3} , V-Є, O-S₁, S₂-D, C₁₋₂, C₃-P₁) палинспастик реконструкцияси асосланган;

спрединг, субдукция усти аккреция ва вулканизми, коллизион сиқилиш, вулкано-плутонизм ҳамда коллизиядан кейин намоён бўлган плита ичи магматизми турли геодинамик шароитларида шаклланишининг кўп даврлилиги билан тавсифланадиган структуравий-моддий мажмуалар минерагеник ихтисослашганлиги аниқланган;

Ўзбекистон маъданли объектларининг кўпчилиги аккрецион, субдукция усти ва коллизион мажмуалардаги ўрни исботланган;

юқорисида бўшоқ тоғ жинслари билан ёпилган бурмали фундамент минерагеник потенциали аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Юра давригача ҳосил бўлган бурмали фундаментни геодинамик районлаштириш схемаси асосида 1:200000 и 1:500000 миқёсли геодинамик хариталар яратилган;

Ауминза-Белтов баландлиги, Нурота, Зиёвутдин ва Шарқий Букантов тоғлари геологик-структуравий схемалари тузилган;

литосфера плиталари тектоникаси назарияси ёндашуви билан биринчи бўлиб Ўзбекистонни минерагеник районлаштириш ўтказилган ҳамда, шу асосда, ғилоф билан ёпилган бурмали фундаментдаги минерал хомашъёнинг анъанавий ва ноанъанавий турларини истиқболи баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республиканинг ўнлаб тоғ-баландлик худудларини ўрганиш мобайнида ўтказилган 12 пог. км структуравий-литологик кесимлар, 5700 метр чуқур бурғу қудуқларидан олинган керн намуналари ва бта геохронологик тадқиқотлар учун олинган штуфлар сертификацияланган лабораториялардаги CamScan MX2500S сканерловчи электрон микроскоп ва SHRIMP-II юқори сезгирликка эга иккиламчи-ион мультиколлекторли масс-спектрометр қўлланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси томонидан тасдиқланган йўриқнома ва методик тавсияларга таяниб, шу билан бирга, муаллифнинг амалга оширган мингдан ортиқ муфассал геологик кузатув нукталарини тасвирлаш маълумотлари билан бирга комплекс таҳлил қилингани натижаларнинг ишонччилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ғарбий Тянь-Шан юрагача ҳосил бўлган қатламлари геологияси ва минерагенияси бўйича энг янги маълумотлар умумлаштирилгани, бурмали камар тараққиёти модели структуравий қайта қурилиши, конлар ҳосил бўлишининг асосий босқичлари ажратилгани, етакчи фойдали қазилмалар шаклланишининг геодинамик шароитлари аниқлангани, уларни башоратлаш йўллари асослангани ва чўкинди ғилоф билан ёпиқ жойларда геология қидирув ишларини олиб боришнинг илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юрагача ҳосил бўлган мажмуани структура ва минерагенясини расшифровкасида уни шаклланиш тарихи ва маъданлилигини тасаввурига янги туртки берувчи геодинамик ёндашувни қўллангани билан аниқланади. Минерагеник районлаштириш харитаси башоратлаш қурилмалари ҳамда фойдали қазилмалар излаш бўйича геологик-қидирув ишларини мувофиқлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши. Геодинамик реконструкциялар ва юра давригача ҳосил бўлган ҳосилаларни минерагеник районлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон ҳудуди геологик тузилишини турли жиҳатларини намоён этган, ўзаро боғлиқ кўп мақсадли хариталар мажмуи Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасида амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 04/11-спр-сон маълумотномаси). Натижада геологик ва маъдан фойдали қазилма конлари хариталари Атласи республика ҳудудини регионал геологик ўрганишнинг стратегик режаларини мувофиқлаштириш имконини берган;

мезозойгача шакланган бурмали негиз геологик ҳосилаларининг ягона легендаси ва турлича маъданлашув жойлашувини стандарт ҳолатлари “Ҳисоргеология” Давлат унитар корхонасида амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 04/11-спр-сон маълумотномаси). Натижада нодир-асл ва колчедан-полиметалларга истиқболли майдонларда маъданлашувни башорат қилиш чуқурликлари сезиларли ошишини ҳисобга олган ҳолда геология-қидирув ишлари дастлабки босқичларининг йўналишларини аниқлаш имконини берган;

Нурота тоғлари ҳудудида аниқланган нодир-асл метали маъданлашувга истиқболли муайян ҳолатлар Марказий-Ўзбекистон геологик тасвирлаш-излаш экспедициясида амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 04/11-спр-сон маълумотномаси). Натижада дастлабки ихтисослашган излаш ишларини ўтказилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги майдонларни аниқлаш имконини берган;

Қизилкум ҳудудининг геологик тузилиши бўйича янги тасаввурлар Ялпи геологик тасвирлаш-излаш экспедициясида амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 04/11-спр-сон маълумотномаси). Натижада Шарқий Буконтов тоғлари геологик хариталари учун легенда ва Кўкпатос олтин маъданлар майдонининг 3D компьютер модели тузилган, беркитиқча ва ёпиқ маъданлашув ҳудудларини башоратлаш имконини берган;

мезозойгача ҳосил бўлган қатламларда углеводород хомашъёси учун истиқболли майдонларни геодинамик реконструкциялар асосида башоратлаш бўйича таклифлар «Ўзбекнефтгаз» Акциядорлик жамиятида амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2018 йил 28 июндаги 02-14/2-40-сон маълумотномаси). Натижада Қизилкум-Нурота ҳудудидаги юра давригача ҳосил бўлган бурмали фундамент углеводород хомашъёсини излаш ишларини олиб бориш жараёнида мавзувий ва сейсморазведка ишларини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ўтказилган тадқиқот турли аспекти 6 та халқаро ва 3 та республика кенгаш ва конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилингани. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган. Улардан 2 та монография, 24 та мақола, жумладан 18 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда, шу жумладан 2 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, 238 номдан иборат фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 226 бетни ташкил этиб, унда 10 та жадвал, 58та расмлар ва 16 та чизма иловалар келтирилган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Ғарбий Тянь-Шан юрагача ҳосил бўлган мажмуанинг геологик ўрганилганлиги ва тузилиши**» деб номланган биринчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, уларда майдоннинг макондаги ўрни, геологик ва геодинамик ўрганилганлиги ҳамда геологик тузилишининг қисқача таърифлари келтирилган.


Тянь-Шан бурмали тизими Ўзбекистоннинг Марказий Қизилқумидан бошланиб, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонни кесиб ўтиб, Хитой шимолий-шарқдаги (Синьцзян) Жунгар дарзлигигача бўлган 3500 км масофага чўзилган. Ғарбий Тянь-Шан шарқдан Талас-Фарғона дарзлиги, жанубдан Қорақум-Тожиқ сиал блоки ва Помир тоғ тизими билан чекланган; шимолда Қозоқ-Қирғиз микроминтақаси билан чегарадош.

Геологик тузилишининг умумий таърифи. Ғарбий Тянь-Шан бурмали тизими сурилмавий ўзаро муносабатга эга аккрецион мажмуа, орол ёйлари, уммон қобиғи, вулкан-плутоник камарлар фрагментлари ҳамда гетероген структурани қайта тузувчи чеккадаги қайрилиш, ороген ва плита ичи гранитоид мажмуаларининг моласс қатламларидан иборат байкал-каледон-герцин ансамблдан иборат. Тянь-Шаннинг Ўзбекистондаги қисми ҳосилалари учта геодинамик камардан иборат: Ўрта Тянь-Шан (Чотқол, Қурама ва Пскем тизмалари); Жанубий Тянь-Шан (Туркистон тизмаси, Олой тоғлиги ёнбағирлари, Нурота ва Қизилқум тоғликлари, Султон-увайс); Жанубий-Ғарбий Тянь-Шан (Ҳисор ва Зарафшон тизмалари ҳамда Қоратепа, Зирабулок, Зиёвутдин, Кулжуктов тоғлари). Ғарбда палеозой бурмали мажмуаси, зоналикни сақлаган ҳолда мезозой-кайнозой чўкинди филофи остига кириб, Турон платформаси пойдеворини ташкил этади.

Ўрта Тянь-Шан герцин вулкан-плутоник камари (ВПК) байкал-каледон аккрецион мажмуаси устида ривожланган. ВПК тузилишида 3 та қават ажратилади. Пастки қават (S_2-D_{1-2}) I-гранитоидлари ҳамда қўйи девон терриген-вулканоген (андезитлар, дацитлар, липаритлар, ишқорий базальтлар) формациясидан ташкил топган. Ўрта қават (C_1-C_3) асосан I-гранитлар (монцонит-гранитли, монцодиорит-гранодиоритли, гранит-адамеллитли, габбро-

сиенитли мажмуалар) риолит, дацит, трахибазальт, трахиандезит лава ва туфларидан ташкил топган. Юқори қават мажмуалари ўзида вулканитларнинг трахибазальт-трахириолит серияларини ҳамда габбро-сиенитли ва гранито-граносиенитли мажмуаларни мужассамлаштирган.

Жанубий Тянь-Шан бурмали камарини (Туркистон палеоуммони сутураси) Ўрта Тянь-Шан билан чегараси ушбу камар шимолидаги, кўп қисми пермь молассаси остида қўмилган аллохтон структурасининг мажерум, кумбулок, учкудук свиталари ва консой серияси юқори барик метаморфик сланецлари билан кузатиб борилади. Камар ҳосилалари Молгузар, Нурота ва Туркистон тизмалари, Қизилқум тоғ-баландликларида ва Султон-Увайсда ер сиртига чиққан (1-расм.). Уларнинг жанубий чегараси бўлиб Катармай сутураси хизмат қилади.



1-расм. Ғарбий Тянь-Шан бурмали-сурилмали камарлари: А-космотасвирда; Б-принципиал кесим. 1-Ўрта Тянь-Шан – МТС; 2-Жанубий Тянь-Шан – STS (В-Буқантов, TN-Томдитов-Нурота, АМ-Оқтов-Молгузар блоклари); 3-Катармай-Рабинжон сутураси – KR; 4-Жанубий-Ғарбий Тянь-Шан – SWTS; 5-Устюрт микроконтиненти – Ust; 6-Помир тизими; 7-геодинамик мажмуаларни ажратувчи дарзликлар; 8-Жанубий Тянь-Шан (ГН-Главный надвиг, АМ - Оқтов-Молгузар) блокларини ажратувчи сурилмалар; 9-кесимда кўрсатилган участкалар: 1-Катармай, 2-Оқтов, 3-Томдитов, 4-Кўкпатос, 5-Ирлир); 10-Ўзбекистон Республикаси чегараси.

Ушбу камарнинг асосий хусусияти кечки герцин сурилиш жараёнларини бир турли уч ярусли тузилишга эга учта блок шакиллантирганидир: каледон пойдевори, кесимининг юқори қисмида олистромли герцин карбонат ғилофи ва офиолит ва орол ёйи ҳосилаларини герцин тектоник қопламалари. Блоклар Оқтов-Молгузар ва «Главный надвиг» (ГН) лар билан ажратилган

Охириги икки блокни ажратувчи ГН меланжланган қатламлар кўринишида тектоник дарчаларда кузатилади. Кўкпатос антиформаси районида карбонат формация ($D-C_2$) ер сиртига устига сурилган кремний-карбонатли кўкпатос свитаси (R_3) тагидан чиқиб келади. Сурилма зонаси альпинотурли гипербазит блокларига эга меланжланган қорашоқ свитаси ҳосилалари билан тўлдирилган. Ўхшаш тектоник дарчалар Етимтов тоғларида кузатилади. Томдитовнинг шимолий-шарқий қисмида ГН оққудук, тайман ва бошқа свиталар фрагментлари сақланиб қолган меланж зонаси билан биргаликда учрайди. Кейинчалик ушбу сурилма Сангунтов марказий қисмида, Мурунгов ва Ирлирнинг латерал аналоглари ҳисобланадиган икки кабонат тизмаларини ажратган ҳолда кузатилади. ГН шарқ томонда Дарвозатов, кейинроқ Шимолий Нурота шимолий тоғ ён-бағрида, Темиркабук поселкаси (Қорақудук кони) орқали, Сентабсой қуйи оқими томон, сўнг Богамбир тизмасини жанубдан айланиб ўтиб, Жанубий Тянь-Шаннинг Молгузар ва Фарғона сегментларида ғилоф тагига кириб кетади. Структурани Нурота қисмида «танга қатлами» номи билан, бир қанча маъдан намоёнларни назорат қилувчи меланж ажратилган.

Букантов ва Томдитов-Нурота блоклари каледон негизи таркибида протерозой-эрта ордовикнинг метавулканоген-карбонат-кременли ва метатерриген қора сланецли ҳосилалар ажратиладиган аккрецион мажмуа билан тақдим этилган. Эрта силурдаги аккрецион жараёнлар натижасида тектоник бирликлар микстит ҳосилаларни рўёбга келтириб косманачи ва коспактов қатламлари кўринишида бирлашган. Силур бошида шаклланган каледон структуравий қавати, кесимини юқорисида олистром қатлами бор (Томдитов, Аристонтов ва Белтовда аниқланган негизида базал конгломератлар бор девоннинг стратиграфик ётиши) девон-карбон карбонат формацияси билан ёпилган. Ушбу мажмуа ўзига ўрта палеозойнинг кембрийдан ўрта карбонгача бўлган ёшдаги ҳосилаларини жамлаган вулканоген-карбонат-терриген формацияси ва офиолитлардан тузилган тектоник қопламалар учун автохтон бўлиб хизмат қилган. Кечки карбон-пермда гранит интрузиялар вужудга келиши ва гранитогнейс қуббаларини шакилланиши билан вулканоген-терриген молассалар тўпланган.

Жанубий-Фарбий Тянь-Шан бурмали тизими Жанубийдан Зарафшон дарзлиги билан ажратилиб, Кулжуктовдан (ғарбда), Зирабулоқ-Зиёвутдин орқали Ҳисор ва Зарафшон тизмалари томон Бойсун-Кўҳитоғ зонасини қамраган ҳолда чўзилган. Энг қадимий ҳисобланувчи метаморфик ва интрузив тоғ жинслари шартли рифей ёшида бўлиб терриген, гипербазит, габбро-диабаз формациялар билан тақдим этилган. Каледон-герцин ҳамда структуравий қавати орол ёйи ва сув ости рифтогенез шароитида ҳосил бўлган ордовик ёшидаги терриген, вулканоген-терриген ва метатерриген формациялар ҳамда минтақанинг пассив

чеккасида шаклланган кабонат қопламадан ташкил топган. Ушбу камарнинг принципиал хусусияти бўлиб габбро-перидотит массивлари билан ассоциациядаги жуда қалин C_1 - C_2 базальт-андезит мажмуасининг мавжудлиги ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Геодинамик районлаштириш ва структуравий-моддий мажмуалар**» номли иккинчи боби тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда чўкинди-метаморфик ва магматик ҳосилаларни турлаш натижалари билан ўрганилаётган худудни геодинамик районлаштириш асосланган.


Ўзбекистон худуди тоғликларини муфассал ўрганилганлиги кўп миқдорли стратиграфик бўлинмаларни ажратилишини таъминлаган. Литологик таркиб, шакилланиш шароитлари, вулканизм тавсифи ва регионал метаморфизм ўзгаришларини инобатга олган ҳолда барча литолого-стратиграфик бўлинмаларнинг мавжуд бўлган юздан ортиқ турли-туманлигидан, энг оптимал бирлаштирувчи бўғимлар сифатида геодинамик шароитларни акс эттирадиган формациялар ажратиб олинган (2-расм).

Вақт мобайнида бир-бирини қонуниятли алмаштириб боровчи, ўхшаш шароитда ҳосил бўлган ва бурмали-сурилмали ранг-барангликда маълум структуравий даражани эгаллайдиган ушбу формациялар структуравий-моддий мажмуаларга (СММ) бирлаштирилган. СММ қайталаниши тартиби турли тоғликларда структуравий жойлашувни сақлаган ҳолда ҳажмнинг кам ўзгариши билан турғун юз беради. Кўп ҳолларда улар сурилма кинематикасига эга дарзликлар билан ажратилади. Ушбу мажмуалар ичида синкинematик узилишлар билан беркитилган стратиграфик контактлар ривожланган.

СММнинг структуравий-формацион зоналардан (СФЗ) принципиал фарқи, СФЗ деганида бурмали вилоятдаги қўшниларидан ўзига хос тектоник режим ва бир қатор физико-географик омиллар таъсирида чўкинди тўпланиши, структураси, магматизми билан фарқланадиган зоналарни тушунилганидадир.

Гарбий Тянь-Шанни тизимли тадқиқотлари СММ чегараларида сурилма зоналарини маркировка қилиб аллохтон мажмуалар тагида ривожланадиган турли тектоник ишлов берилган (меланжгача) микстит ҳосилаларининг (уларни 11 ривожланиш даражалари ажратилган) кенг тарқалганлигини кўрсатдилар. Микстит ҳосилаларида кўпгина гидротермал генезисли конларни учрагани туфайли, улар нафақат сурилма деформацияларининг, балки муҳим излаш мезони бўлиб ҳам хизмат қилишлари мумкин.

Аккрецион қатламлар уммон қобиғи чўкинди қатламини субдукция зоналарида тўпланиши натижасида шакилланади. Улар кўплаб қайта ётказилган базальт, охактош, лентасимон кременлар, алевроаргиллит ва кумтошларнинг турли тартибдаги аралаш ёшли тангалари пакетидан иборат бўлади. Аккреция даврида тоғ жинслари ҳали қайишқоқ бўлгани туфайли, турли ёшли пакетлар контактлари заиф ажралгани кузатилади ҳамда уларни стратиграфик контактлар билан енгил аралаштириб юбориш мумкин. Бундай ҳосилаларга мисол тариқасида косманачи, қорашоҳ, катармай ва бошқа қатламларни келтириш мумкин.



2-расм. Чўкинди, чўкинди-вулканоген ва метаморфик ҳосилалар стратиграфик-формацион корреляцияси. СММ: 1-Букантов-Қорачўтир: вулканоген-терриген моласса, C_3-P ; 2-Чотқол-Қурама: терриген-карбонат-вулканоген формациялар, P_{1-2} ; 3-Қурама: вулканоген формациялар, C_1-C_2 ; 4-5-Нуротау-Қурама: 4-карбонат; 5-вулканоген (трахибазальт-трахиандезит-трахириолитли) формация, D_{1-2} ; 6-Беитор: Ўрта Тянь-Шан пойдевори; 7-Сандалаш: офиолит мажмуаси чўкинди ғилофи, кремен-карбонат-гилли формация; 8-11-Туркистон-Олой: 8-офиолитли меланж, юқори барик паст ҳароратли сланецлар, альпинотурли гипербазитлар, серпентинитлар; 9-уммон қобиғи кремен-базальтли қатлами; 10-энсиматик орол ёйларининг карбонат-вулканоген формациялари; 11-шулар Султон-Увайсда; 12-Карбонат формация: ўрта-кечки палеозой карбонат чўкинди ғилофи; 13-14-Қизилқум-Туркистон: 13-14-вулканоген-терриген флиш, кечки каледон аккрецион мажмуалари (13-Нуратов-Лятобанд; 14-Томдитов-Нурота, Гатча-Зомин); 15-Қизилқум-Нурота: эрта каледон аккрецион мажмуаси (метатерриген ва метабазальт-кремен-карбонатли формациялар; 16-Катармай: метавулканоген-кремен-карбонатли аккрецион мажмуа; 17-Оқтов-Молгузар: калин карбонат, S_2-C_2 ва флиш-олистостром, S_{2-3} формациялари; 18-19-Зарафшон-Олой: 18-эрта палеозой вулканоген-терриген формацияси; 19-ўрта палеозой карбонат формацияси; 20-Шайхжейли: серпентенит блокларига эга урусой меланжи; карбонат-терриген-вулканоген формация; 21-Букантов-Сурхонтов: метавулканоген-терриген формация; 22-Жанубий-Ҳисор: бимодаль вулканоген-чўкинди (базальт-плагиориолит лава ва туфлари), олистостромлар; 23-микстит қатламлардаги олистолитлар (а), меланж (б), альпинотурли гипербазитлар (в); 24-тектоник чегаралар: шарьяжлар (а), сурилмалар (б): (1-Оқтов-Молгузар, 2-Б-Бойсун ва НТ-Томдитов-Нурота) блокларини ажрувчи Главный).

Магматик ҳосилаларни геодинамик турлаш. Фарбий Тянь-Шан геодинамик режимлари ва таракқиётини реставрация қилиш мақсадида магматик мажмуаларни мутлақ ёшини замонавий аниқлаш натижаларига таяниб систематизация ва корреляцияси ўтказилди.

68 вулканоген, вулканоген-чўкинди ва 78 интрузив ёки плутоник мажмуаларни систематизацияси барча магматик мажмуалар турлича рифтоген, субдукция усти, коллизион и постколлизион геодинамик режимларда шаклланишини кўрсатди. Ҳосил бўлиш ёши билан ажралиб турадиган рифтоген ҳосилалар барча камарларда аниқланган. Бу Ўзбекистон ҳудудида протерозой, кембрий-силур, девон ва карбон ҳосилаларидир. Геологик ривожланишнинг барча даврларида субдукция усти магматизми субдукция зоналарига ҳамроҳ бўлган Белтов-Қурама ва Ҳисор вулқон-плутоник камарларни ҳосил қилувчи комагматик интрузив ва вулканик мажмуаларни протерозойдан қўйи пермгача, асосан карбонда замонда бир-бирига яқинлашиши кузатилади.

Коллизион автохтон гранитоид мажмуалар йирик батолитсимон таналар сифатида каледонид ва герцинидлар орасида кузатилади. Постколлизион плита ичи магматизми плутоник габбро-монзонит-сиенитли, габбро-гранитли, лейкогранитли ва уларга комагматик вулканик формациялар билан тақдим этилган.

Структураларнинг-моддий мажмуаларни (СММ) геодинамик районлаштириши. Геодинамик таракқиётининг умумий хусусиятлари ва ниҳояда ягона бурмали-сурилмали камарларни шакллантирадиган СММ геодинамик мажмуаларга (ГМ) бириктирилган. Камар таркибида учта субдукцион аккреция ва минтақавий массивлар эрта герцин коллизияси ҳамда постколлизион, плита ичи магматик мажмуалари ва моласлар даврида ҳосил бўлган геодинамик мажмуалар ажратилади - Ўрта Тянь-Шан ГМ, Жанубий Тянь-Шан ГМ ва Жанубий-Фарбий Тянь-Шан ГМ (жадвал).

Диссертациянинг «**Юрагача ҳосил бўлган бурмали негиз эволюцияси**»га бағишланган учинчи бобида тектоник деформациялар олдинмакеинлиги ва юрагача ҳосил бўлган бурмали негиз тарққиёти кўриб чиқилган. Юрагача ҳосил бўлган бурмали мажмуа учун тавсифли бўлган зоналик фаол ва пассив минтақавий чеккалар ва Туркистон палеоуммони ҳудудида субдукцион аккреция, сиал блоklar коллизияси ва регионни постколлизион босқичларида изчиллик билан шаръирланиши (уюлиши) натижасида шаклланиган. Офиолит ва орол ёйи магматик мажмуалари мутлақ ёшини аниқлаш натижаларига қараганда Туркистон палеоуммони рифей-эрта карбон интервалига жойлашиб, асосий субдукцион жарёнлар унинг шимолий ва жанубий чеккаларида юз берган.

Уммони беркилиши спрединг зонасини Қорақум минтақавий массиви чеккасига чўкиши билан юз бериб, шу билан осилиб турган плита чеккасида рифтоген жараёнларни келтириб чиқарди. Ботган спрединг зонасини орасидан, яъни «астеносфера дарчаси»дан рифтоген структураларни (Катармай ва Ҳисор) изчиллик билан шакллантирувчи мантиявий субстрат минтақавий қобик ёрилган ерига интилиб чиққан. Чўзилиш зонасини аста-секин жанубий

йўналишда силжиши оҳактошли, оҳактошли-ишқорий ва субишқорий вулканоген тоғ жинслари камарларининг алмашинувида намоён бўлган.

Ғарбий Тянь-Шанни геодинамик районлаштириш (Ўзбекистон)

ГМ	СММ	СММ тури
Постколлизия	Ғарбий Ўзбекистон	Плита ичи магматизм ареаллари, P ₁
	Чотқол-Қурама	
	Букантов-Қорачўтир	Ўй ораси коллизия ҳавза, P ₁
Ўрта Тянь-Шан (Қозоғистон микро-континенти фаол чеккаси)	Қурама	Фаол чекка ВПК, C ₁ - C ₃
	Нурота-Қурама	Чўкинди ғилофи (пассив областлар)
		Фаол чекка ВПК, S ₂ -D ₂
	Қоратерак	Каледон офиолит қоплами
	Сандалаш	Каледон аккрецион мажмуаси
Бештор	Белтов-Қурама ВПК негизи	
Жанубий Тянь-Шан (бурмали-сурилмали камар)	Коллизия	Жанубий Тянь-Шан гранитоид, C ₃ -P ₁
	Туркистон-Олой	Туркистон уммони ва орол ёйлари герцин аккрецион мажмуалари
	Зарафшон-Туркистон	Герцин карбонат ғилофи
		Қизилқум-Туркистон
Қизилқум-Нурота		
Жанубий-Ғарбий Тянь-Шан (Қорақум-Тожиқ микроминтақаси)	Катармай-Рабинжон	Сутур зонаси микститлари
	Жанубий Ҳисор	Ҳисор рифтоген ҳавзаси
		Коллизия гранитоид камар
	Зарафшон-Олой	Афғон-Тожиқ минтақаси ғилофи
Фаол чекка гранитоид камари, S-D		
Бойсун	Микроминтақа негизи	

Плиталар чеккаларидаги фаол жараёнлар ВПКлар шакилланиши, нисбий тинчлик давларида эса, карбонат қатламларини тўпланиши билан давом этган. Уммон ҳавзаларини ёпилиши серпентинланган гипербазит ва габброидлар ҳамда турли генезисли микститларни ўзида жамлаган юқори барик, лекин паст ҳароратли метаморфик мажмуаларнинг сутуравий чоклари билан аниқланади. Постколлизия босқич плита ичи вулкан-плутоник ареаллар ва моласс ҳавзаларининг ҳосил бўлиши билан аниқланади. Постколлизия босқич плита ичи вулкан-плутоник ареаллар ва моласс ҳавзаларининг ҳосил бўлиши билан аниқланади. Юрагача ҳосил бўлган бурмали негиз геодинамик тарққиётининг модели кўриб чиқилиб (3-расм), олти (ўрта-кечки рифей, венд-кембрий, ордовик-эрта силур, кечки силур-девон, эрта-ўрта карбон, кечки карбон-пермь) асосий структуравий қайта қурилиш ва маъданлашувнинг палинспастик реконструкциялари тузилган.

Модел чўкинди-метаморфик ва магматик ҳосилаларни шаклланиш даври, геодинамик вазият ва геодинамик тартибини намоён этиши. Худуддаги структураларнинг ҳосил бўлиши минтақавий блоklar (Қорақум-Тожиқ ва Қозоғистон) негизи шакилланган протерозойдаги аккрецион жараёнлар билан бошланган.

Изчил аккрециялар серияси палеозойда тавсифли бўлган магматизм, метаморфизм ва структуравий ўзгаришлар билан пермь коллизияси тугалланган. Шундай қилиб, вулканоген-гидротермал фаолият рангли ва асл металлар сульфидларини дастлабки концентрацияларини яратган ва регион металлогеник ихтисосини аниқлаган пайтда ўрганилаётган ҳудуддаги маъданлашув жараёнлари палеоуммон спрединг зонасида бошланган.

Метаморфизм ва гидротермал жараёнлар уммон чўкиндиларини кембрий, ордовик ва эрта силурдаги аккрециясида янги мураккаб комбинациялардаги маҳсулдор парагенезисларни ҳосил бўлишини таъминлаганлар.

Кечки палеозойдаги коллизия ва унга ҳамроҳлик қилган магматизм маъдан моддаларнинг ремобилизацияси ва аккрецион призмада катта тўпланишларни яратишга ҳамда фаол чекка ВПК ҳудудида магматик ва эпитеpmал конларни шаклланишига маъсулдирлар.

Кўриб чиқилган барча босқичлар формациялар ҳосилаларини геокимёвий ихтисосига ва маъдан ётқазикларини жойлашувига ўз хиссаларини қўшганлар.

Диссертациянинг тўртинчи «**Минерагеник районлаштириш**» боби уч қисмдан иборат бўлиб, уларда ҳудуддаги минерагеник камарлар ва мажмуалар, маъдан назорат қилувчи бузилиш ва башпоратлаш-минерагеник харитани тузиш масалалари кўриб чиқилган. **Минерагеник камарлар ва мажмуалар.** Ўзбекистоннинг юрагача ҳосил бўлган негизи маъданларнинг катта потенциали, авваламбор олтин, мис ва ураннынг дунёга машҳур конларига эга. Уларни жойлашуви тавсифини таҳлилида ва қонуниятларини аниқлашда минерагеник бирликларнинг қуйидаги иерархик ўзаро қарамликлари қабул қилинган. Геодинамик мажмуалар минерагеник камарлар (МК) билан тенглаштирилади. Фарбий Тянь-Шанда учта металлогеник камарлар объектлари – Ўрта, Жанубий ва Жанубий-Фарбий Тянь-Шан мавжуд. Структуравий-моддий мажмуалар, регион тарққиёти турли даврларида шаклланган «геологик, метасоматик ва маъдан формацияларнинг ҳар доим кузатиладиган макон ва замондаги турғун ассоциациялари» (Рундквист, Кравченко, 1996) минералогик мажмуалар (ММ) билан корреляцияланади.

Ўрта Тянь-Шан (Белтов-Қурама) МК да етакчи аҳамиятга олтин кумуш, мис, молибден, кўрғошин, рух, темир, уран, флюорит конлари эга. Олтин, мис, кўрғошин-рух учун монцодиорит-сиенит формацияси (олмалиқ мажмуаси, С₁) субдукция усти интрузив тоғ жинслари энг маҳсулдор ҳисобланадилар.

Колонканинг ўрта қисмида (болғали ва ақча свиталари) вулқон-тектоник кальдера ва грабен структураларида жойлашган олтин-сульфид-кварц конлари (Қизилолмасой ва Қайрағоч) кузатилади. Улар устидаги надак свитасида трубкасимон-томир (Кўчбулоқ) ва олтин-кумуш-кварц-адуляр (Пирмироб, Гузаксой ва б.) конлар жойлашган.

Жанубий Тянь-Шан МК таркибида 8та минерагеник мажмуалар (ММ) ажратилган: Букантов-Қорачўтир, иккита Қизилқум-Нурота (вулканоген ва метатерриген), Қизилқум-Туркистон, Туркистон-Олой, Жанубий Тянь-Шан коллизион гранитоидлари ҳамда Фарбий Тянь-Шан постколлизион гранитлари.

Туркистон-Олой ММ Ўрта ва Жанубий Тянь-Шан чегарасини белгиловчи аккрецион офиолит ва орол ёйи ҳосилалар ҳажмига мос равишда ажратилган. Энг қизиқарли формация бу рух-мис-колчедан-олтинли маъданлашув бўлиб, у глаукофан сланецларига айланган толеит турли базальтлар билан боғлиқ ҳосил бўлган. Ушбу ММ га Кўкпатос маъданлар майдони жойлашган қорашох меланжланган қатламидаги вулканоген ҳосилалар ҳам киритилган. Султон-Увайс қисми металлогеник жиҳатдан Урал ва Тянь-Шанни боғлови бўғин ҳисобланади. Бу ерда Жанубий Уралдаги қачқанар туридаги темир конларига мансуб Тебинбулоқ титаномагнетит кони жойлашган.

Қизилқум-Туркистон ММ ордовик-силур аккрецион вулканоген-терриген мажмуаси ҳажмига мос равишда ажратилган бўлиб, унинг ҳудудида Марказий Қизилқумнинг оламга машҳур олтин конлари жойлашган. Бу ерда кўпроқ Мрунтов маъданлар майдонининг штокверк туридаги олтин-кварц объектлари кузатилади. Улардан ташқари мажмуа йирик Даугиз ва Омонтойтов (колчедан) олтин-сульфид-ҳол-ҳол ҳамда ўрта миқёсли олтин-кумуш Нукракон ва Косманачи конларини жойлашувини назорат қилади.


Жанубий Нуротада ушбу ММ билан Қорамачит-Олтинқазиган маъдан зонасининг чизиқли чўзилиб жойлашган олтин конлари гуруҳи ҳам боғлиқ. Шимолий Нуротада Қўшработ кўп фазали плутони билан ассоциациядаги ММ вулканитларида йирик олтин-кварц конларига эга Чармитон маъданлар майдони жойлашган.

Қизилқум-Туркистон ММ шарқий чеккасидаги кембрий-ордовик аккрецион мажмуа ҳудудида Маржонбулоқ маъданлар майдонининг ўрта миқёсли олтин-сульфид-кварц турли конлари жойлашган.

Қизилқум-Нурота МК кембрий-ордовик аккрецион мажмуа ҳажмига мос равишда ажратилган. Унинг иккита метатерриген (қора сланецли) ва вулканоген-карбонат-кременли, Туркистон палеоуммони уммон турли қобиғи 3 та қатлами фрагментларидан иборат, турларини ажратиш лозим. Ушбу ММ тарқалиш ҳудудлари бўлиб Қизилқум, Зиёвутдин тоғлари ва Шимолий Нурота тоғларининг ғарбий қисми ҳисобланади. Формациялар уран, олтин, вольфрам ва миснинг маъдан тўпламларига эга. Шу билан бирга, олтин ва уранинги йирик конлари Марказий Қизилқум ҳудуди билан (Томдитов, Етимтов, Белтов, Аристонтов ва Ауминзатов) чекланади. ММ Жанубий Буконтов қисмида Турбой олтин-вольфрам маъданли райони ажратилиб, бу ерда ўрта ва майда олтин конлари билан бир қаторда, ўрта миқёсли вольфрам конлари ҳам мавжуд (Совутбой, Саритов). Нурота тоғлари ғарбидаги терриген мажмуалар намоён бўлган ҳудудларда Пистали ва Сулув маъдан объектлари топилган.

Катармай ММ маркази ва жанубий-шарқида олтин-сульфид-кварц туридаги майда конларига бор (Қопқоқли, Қоракўтон, Бешқудук ва б.).

Жанубий Ҳисор ММ асосан ўрта карбон-пермь ёшидаги вулкан-плутоник камар ўқ зонасидаги вулканоген ва интрузив ҳосилалардан иборат. Унинг ҳудудида Тожикистонда флюорит конлари борлигига қарамай, Ўзбекистонда саноат аҳамиятига мансуб объектлар аниқланмаган.



3-расм. Тянь-Шан камари шакилланишининг плитотектоник модели.

1-уммон туридаги қобик: бирламчи ҳолатда (а), аллохтон офиолит мажмуаси (б); 2-минтақавий блоклар: Қозоғистон (Кz), Қорақум-Тоғжик (КТ); 3-мигматит гранит-гнейс куббалари. Аккрецион мажмуалар: 4-протерозой, 5-протерозой-палеозой, 6-эрта палеозой: кечки каледон (а), эрта каледон (б). Вулканизм областлари: 7-орол-ёй: девон (а), карбон (б); 8-минтақавий рифтогенез, 9-спрединг зонаси; 10-шельф ётқазиклари; 11-гранитоид интрузиялар: S-турдаги (а), I-турдаги (б), A-турдаги (в); 12-кечки палеозой моласс мажмуалари; 13-дарзликлар (мил билан силжиш йўналиши кўрсатилган); 14-мантиядаги конвектив оқимларнинг тахминий йўналиши; 15-вулканизм областлари; 16-мутлақ ёш.

Шароитларнинг металлогеник хусусиятлари: **I** - спрединг зоналаридаги базальтоид профилли магматик жарёнлар – хромит, титаномагнетит, мис-колчедан олтин билан ва рух-мис колчедан маъданлашуви. **II** - ўрта уммон тизимидаги гидротермал ва эксгалицион жараёнлар, рангли ва асл металлларнинг чўкиндилардаги дастлабки концентрацияларини сульфид шаклида вулқон-гидротермал фаолият ва бактериал сульфатредукцияси фаоллашувида юзага келиши. **III** - вулканоген-чўкинди жараёнлар темир-марганец конкрециялари, марганец маъданлар, бокситлар, стратиформ кўрғошин-рух ва магнетит-гематит маъданлашув. **IV** - аккрецион призмалар метаморфоген гидротермалари олтин, олтин-кумуш, қалайи-вольфрам, тўтиё-симоб маъданлашувни ҳосил қилади. Жойлашув сурилма структуралар, термодинамик ва геокимёвий шароитлар билан назорат қилинади. **V** - субдукция усти магматизми мис-порфир (олтин билан), кўрғошин-рух (кумуш билан) ва эпитеpmал кумуш-олтин маъданлашув. **VI** - постколлизия фаоллашув, магма ва флюид оқимларини коллизия структуралар ўтказувчан жойларига сингиши, олтин, кумуш қалайи ва вольфрам маъданлашув саноат концентрацияларини яратилиши. **VII** - плита ичи жараёнлар, шакилланган вулканоген ер усти-эксгалицион алунит ва литий (стратиформ) маъданлашуви, пневмолит-гидротермал нодир металл-флюоритли бериллий билан, гидротермал, вулқон-плутоноген ва вулканоген кумуш-полиметалл, уран ва кварц-сульфид-флюорит турли конлари, телетермал кварц-карбонат-киноварь маъданлашуви, мис қумтошлари инфильтрацион конлари, нураш қобикларидаги марганец ва қумтошлардаги экзоген уран конлари.

Бойсун-Қўҳитоғ минерагеник зонаси эрта-ўрта карбон даврининг колчедан-полиметалл маъданлашуви билан бирга юз берган фаол вулканизм билан тавсифланади (Хондиза, Чакчар, Жанубий Қорасон ва б.).

Постколлизия ММ га олмосга истиқболли бўлган Жанубий Тянь-Шан ишқорий базальтоидлари мажмуаси ҳамда уран конларининг инфильтрацион турлари киради.

Асосий маъдан назорат қилувчи бузилишлар. Структуравий назорат яққол Жанубий Тянь-Шан бурмали-сурилмали камарида намоён бўлган бўлиб, унда субдукцион, коллизия ва постколлизия босқичларнинг аккрецион жараёнларида ҳосил бўлган турли бурмали ва ёрилма бузилишлар иштирок этадилар. Шаклланиш кинематика ва геодинамикасига қараб, қоплама зонаси шарьяж тури ҳамда қопламадаги қайишқоқ узилишларнинг бўйламасига шимолий-ғарбий ва кўндаланг шимолий-шарқий чап сурилишлари зоналари ажратилади.

Шарьяж турли қопламалар зоналари:

каледон даври косманачи қатлами (чипор бесапан). Унда Томдитовдаги Мурунгов маъданлар майдони ва Нурота региони Кошар, Михин, Даристон, Биран, Сармич, Араб конлари жойлашган;

